

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.Үч.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАҲМОНХЎЖАЕВ ЖАМОЛИДДИН ХУСАНХОН ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУДЬЯЛАР КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of the abstract of doctoral dissertation

Оглавление автореферата докторской диссертации

| | |
|--|----|
| Абдурахмонхўжаев Жамолиддин Хусанхон ўғли Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантиришни Тақомиллаштириш ва улар мустақиллигини таъминлаш | 5 |
| Abdurahmonkhojaev Jamoliddin Khusankhon ugli The development of forming judges corpus and providing their independence in Uzbekistan..... | 23 |
| Абдурахмонхужаев Жамолиддин Хусанхон угли Совершенствование формирования судейского корпуса и обеспечение их независимости в Узбекистане..... | 39 |
| Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати Список опубликованных научных работ List of published scientific works..... | 43 |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.05.2018.Үч.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАҲМОНХЎЖАЕВ ЖАМОЛИДДИН ХУСАНХОН ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА СУДЬЯЛАР КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини
ташқил этиш. Адвокатура

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Үи64 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рузиназаров Шухрат Нуралиевич
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саломов Баҳром Саломович
юридик фанлар доктори

Мухторов Нодиржон Илҳомжонович
юридик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги қошидаги Юристлар
малакасини ошириш маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ҳузуридаги DSc.30.05.2018.Үи.67.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил 24 декабрь соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш. Махтумқули кўчаси 59. Тел.: (99871) 236-11-86; факс: (99871) 233-33-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш. Махтумқули кўчаси, 59. Тел.: (998971) 233-11-86).

Диссертация автореферати 2018 йил 5 декабрь куни тарқатилди.

(2018 йил 5 декабрдаги 10-рақамли реестр баённомаси).

Б.Х.Пулатов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

И.Р.Астанов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, юридик
фанлар номзоди, доцент

Ф.Х.Рахимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, юридик
фанлар доктори, доцент

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда судьялар корпусини шакллантиришда улар мустақиллигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Барқарор судьялар корпусини шакллантиришда касбий ва маънавий фазилатларга эга бўлган шахслардан судьялик лавозимига танлаш, сайлаш ва тайинлаш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасидаги давлат сиёсатининг асосий негизини ташкил этади. Хусусан, БМТнинг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/32-сон резолюцияси¹ билан тасдиқланган «Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари»да суд органлари мустақиллиги, сўз ва уюшиш эркинлиги, малака, танлов ва тайёрлов, хизмат шароитлари ва ваколат муддати, касбий сир ва иммунитет, жазолаш, лавозимидан четлаштириш ва ишдан бўшатиш каби масалалар долзарб муаммолардан бири эканлиги қайд этилган. Шу боис барқарор судьялар корпусини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш устувор тадқиқот йўналиши сирасига киради.

Жаҳонда судьялар корпусини шакллантиришда улар мустақиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш, ривожланган хорижий давлатларнинг бу борадаги қонунчилигининг ижобий ютуқлари ва илғор тажрибасини ўрганиш асосида миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш йўналишлари долзарб ҳисобланади. Бинобарин, судьяликка номзодларни танлаш, судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби, судьянинг ваколатини тўхтатиш ёки муддатидан илгари тугатиш, судьялар корпусини шакллантиришда иштирок этувчи субъектлар ваколатини кенгайтириш, судьялар дахлсизлиги кафолатлари ҳамда судьяларнинг моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарблик касб этади.

Республикамызда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор берилиб, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан, судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Судьялар олий кенгаши ташкил этилди, Кенгаш томонидан судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлашда таъсирчан жамоатчилик назорати ўрнатилди, шунингдек судьяларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш мақсадида кенг кўламли мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. «Судьялар олий кенгашини тузиш, профессионал судьялар корпусини шакллантириш, судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш»² устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/indep.shtml

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги (2000), «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги (2017) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016) ПФ–4850-сон, «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017) ПФ–4966-сон, «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги (2018) ПФ–5308-сон, «Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) ПФ–5482-сон фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот ишида судьялар корпусини шакллантиришни такомиллаштириш ва улар мустақиллигини таъминлаш илк маротаба ўрганилди. Мазкур мавзунинг у ёки бу жиҳатлари айрим ҳуқуқшунос олимларнинг илмий асарлари ва ўқув адабиётларида ёритилган. Хусусан, Ғ.А.Абдумажидов, М.Э.Абдусаломов, Х.Т.Азизов, Х.Б.Бобоев, Б.У.Жамолов, З.Ф.Иноғомжонова, К.И.Исмоилов, У.Қ.Мингбоев, Т.К.Мирзаев, А.А.Мухаммадиев, Ф.М.Мухитдинов, Ф.Ф.Муҳиддинова, Б.Х.Пулатов, Ю.С.Пулатов, М.А.Ражабова, Ш.Н.Рўзиназаров, М.М.Мамасиддиқов, М.Х.Рустамбоев, А.Х.Саидов, Б.С.Саломов, Г.З.Тўлаганова, У.А.Тухташева, Д.Ю.Хабибуллаев, А.А.Хамраев ва бошқаларнинг асарларида муайян даражада ўрганилган¹.

Хорижий мамлакатларда Виллиам Бурнхам, Даниел Жон Меадор, Карен Талаккер, Майкл Ньютон, Стефен Брейр, Чарлес Алан Вайт (АҚШ), Баронесс Прашер, Жастис Халлет, Жастис Хиккинботтом, Жеффри Жовелл, Жонатан Сампшин, Лорд Маккай, Франсес Кирхам, Шами Чакраборти (Буюк Британия), Грахам Жиин, (Канада), Герхард ван дер Сеуфф (Нидерландия) ва бошқа олимлар бу борада илмий тадқиқот олиб борган.

МДХга аъзо давлатлар судьялар корпусини шакллантириш ва улар мустақиллигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари М.С.Бейбитов, Е.В.Бурдина, И.С.Власов, А.А.Маткасимов, Г.Т.Ермошин, В.В.Ершов, Ф.А.Квициния, М.И.Клеандров, О.Н.Марков, Т.Н.Нешатаева,

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

В.В.Пейсиков, И.Л.Петрухин, П.В.Гармоза, Н.В.Радутная, М.О.Сапунова, Ю.И.Стецовский, Т.Уранцэцэг, А.П.Фоков, А.А.Цараевлар томонидан ўрганилган.

Бирок юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари масаланинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, судьялар корпусини шакллантиришни такомиллаштириш ва улар мустақиллигини таъминлаш масалаларига комплекс ёндашилмаган. Шу сабабли мазкур масалани махсус тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда судьялар корпусини шакллантиришни такомиллаштириш ва улар мустақиллигини таъминлашга қаратилган алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича муаммоларни ўрганиш» (2014–2019) устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантиришда улар мустақиллигини таъминлашга оид муносабатларни ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

судьялар корпусини шакллантиришда улар мустақиллигини таъминлашга оид илмий тушунча ва категорияларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш ҳамда тегишли илмий таърифларни ишлаб чиқиш;

судьялар корпусини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари сифатида судьяликка номзодларни танлаш ва уларга қўйиладиган талаблар, судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби, судьянинг ваколатини тўхтатиш ҳамда муддатидан илгари тугатиш тартибини такомиллаштиришга оид хулосаларни асослантириб бериш;

судьялар корпусини шакллантиришда иштирок этувчи субъектларнинг тизими, роли, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ваколатларини таҳлил этиш ҳамда фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини ёритиш, судьялар корпусини шакллантиришда судьялар малака ҳайъатининг иштироки билан боғлиқ масалаларни таҳлил этиш;

судьялар корпусини шакллантиришда судьялар мустақиллигининг шартлари ва элементлари мазмуни, судьялар дахлсизлиги кафолатлари, улар фаолиятига аралашининг олдини олиш, судьяларнинг моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ва унинг самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган илмий ечимлар топиш;

хорижий давлатларда судьялар корпусини шакллантиришнинг ўзига хос ва илғор тажрибаларини миллий суд қонунчилиги билан қиёслаш;

судьялар корпусини шакллантиришни такомиллаштиришда улар мустақиллигини таъминлашни тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари

самарадорлигини оширишнинг замонавий тенденцияларига илмий ва амалий баҳо бериш.

Тадқиқотнинг объекти судьялар корпусини шакллантиришда улар мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети судьялар корпусини шакллантиришда улар мустақиллигини таъминлашни ташкилий-ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, кузатув, махсус-илмий ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш каби методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

судьялар корпусини шакллантириш бўйича судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига номзод кўрсатиш учун тавсия бериш қоидалари ишлаб чиқилган;

судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, судьяларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни кўриш ҳамда судьяларни рағбатлантириш бўйича таклифлар асосланган;

судьялар корпусини шакллантиришда судьялар ҳамжамиятининг органи, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа жамоатчилик вакиллари ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни кенг жалб этишга оид таклифлар ишлаб чиқилган;

судьялар фаолиятини балли тизим бўйича баҳолаш тартиби ҳамда судьялар корпуси салоҳиятини аниқлаш мезонлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

судьялар корпусини шакллантиришда улар мустақиллигини таъминлашга оид илмий тушунча ва категорияларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилди ҳамда тегишли илмий докторинал таърифлар ишлаб чиқилган;

судьялар корпусини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари сифатида судьяликка номзодларни танлаш ва уларга қўйиладиган талаблар, судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби, судьянинг ваколатини тўхтатиш ҳамда муддатидан илгари тугатиш тартибини такомиллаштиришга оид ҳулосалар асосланган;

судьялар корпусини шакллантиришда иштирок этувчи субъектларнинг тизими ва роли таҳлил этилиб, судьялар корпусини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳамда судьялар малака

хайъатлари иштирокини янада такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

судьялар корпусини шакллантиришда улар мустақиллигининг кафолатлари сифатида судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш, уларнинг дахлсизлиги, судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш масалалари ҳар томонлама тадқиқ этилиб, илк маротаба судьялар корпусини шакллантиришда улар мустақиллигининг кафолатларига илмий таъриф ишлаб чиқилган;

судьяликка номзодларни танлаш ва тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниб, улар тизимлаштирилган мазмунга эга эмас. Бу эса уларни амалиётда қўллашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Қолаверса, Конституция ва қонун устуворлиги нуқтаи назаридан ва хорижий давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Судьяликка номзодларни танлаш ва тайёрлаш тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш зарурияти ва унда ифода этилиши лозим бўлган нормалар тавсифланган;

хорижий давлатларнинг (АҚШ, Польша, Бельгия, Беларусь, Арманистон) судьялар корпусини шакллантиришнинг илғор тажрибаси ва ўзига хос жиҳатлари миллий суд қонунчилиги билан қиёсий таҳлил этилиб, бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Суд кодекси ва унинг тузилишига оид илмий-назарий таклифлар ишлаб чиқилган;

хорижий давлатлар (Буюк Британия) тажрибасини инобатга олиб, судьялар корпусини шакллантиришнинг махсус электрон дастурлаштириш тизимини жорий этиш мақсадида уни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги ва бу ҳақдаги махсус нормаларни қонун ҳужжатларида ифода этиш зарурияти асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертация тадқиқотининг ҳар бир боб якунида келтирилган хулосалар, шунингдек диссертация ишининг хулосасида ўз аксини топган умумназарий тўхтамлар (қоидалар), қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар суд ҳокимияти, прокурор назорати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ташкил этиш ҳамда адвокатура фанида мавжуд бўлган назарий қарашлар, ушбу соҳадаги халқаро ҳужжатлар, хорижий мамлакатлар қонунчилиги, миллий қонунчилик нормалари, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётига асосланганлиги, тадқиқот ишидаги ахборот базасининг ишончилиги расмий нашрларда эълон қилинган статистик маълумотлардан, шунингдек монографик тадқиқотларда текширилган ва нашр этилган натижалардан фойдаланилганлиги билан белгиланади. Бундан ташқари, тадқиқот ишида муаллиф томонидан 2015 йил март ойида Юристар малакасини ошириш маркази, 2017 йил февраль ойида Ўзбекистон

Республикаси Олий судида ва апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясида амалга оширилган стажировка давомида олинган амалиёт материалларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар судьялар корпусини шакллантиришда улар мустақиллигини таъминлашга оид ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи «Судлар тўғрисида»ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар тайёрланган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон ҳамда 2017 йил 21 февралдаги ПФ–4966-сон фармонлари ва бошқа қонун ҳужжатларида, Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси, Судлар ва судьялар фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Тадқиқотнинг натижаларидан судьялар корпусини шакллантиришда иштирок этувчи субъектлар амалий ишини ташкил этишда ҳамда талабалар учун турли ўқув ва методик қўлланмалар тайёрлашда ҳамда олий ўқув юртлари ва юридик коллежлари «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар» ва «Суд ҳокимияти» ўқув курсининг маъруза ва семинарлар ўтиш, тадқиқот натижаларидан илмий тадқиқотлар олиб боришда ҳамда кенг миқёсда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш жараёнида фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантиришни такомиллаштиришда ва улар мустақиллигини таъминлаш мавзусидаги тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

судьялар корпусини шакллантириш бўйича судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш тўғрисидаги таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармонида 8-илова сифатида тасдиқланган Давлат дастурининг 55-банди, 56-банди, 57-банди, 58-банди ва 60-бандларини тайёрлашда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг 2017 йил 3 апрелдаги 02/1-807-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги судьялар корпусини шакллантириш, судьяларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда судьяларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни Судьялар олий кенгашининг ваколатлари доирасида кўриш бўйича ташаббус кўрсатиш ваколатини белгилашга хизмат қилган;

судьялар корпусини шакллантиришда судьялар ҳамжамияти органининг ўрни ва ролини белгилаш, судьялар дахлсизлиги бузилиши ва улар фаолиятига аралашинишнинг олдини олиш, судьяларни касбий тайёрлаш, шунингдек судьяларни рағбатлантириш бўйича ташаббус кўрсатиш бўйича

таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ–4966-сон Фармонининг 1-3 ва 6-7, 10-12-бандларини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг 2017 йил 3 апрелдаги 02/1-807-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги судьялар корпусини самарали шакллантиришга фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, судьялар мустақиллигини таъминлашга хизмат қилган;

судьялар мақоми, судьяликка номзодларига қўйиладиган талаблар, судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг 2017 йил 3 апрелдаги 02/1-807-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги судьялар корпусини шакллантириш самарадорлигини ошириш, Судьялар олий кенгаши ваколатларини кенгайтириш, судьяларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилган;

судьялар фаолиятини баҳолашни ташкил этиш тартиби, мезонлари ва унинг натижалари бўйича таклифлардан Судьяларнинг фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот марказининг 2017 йил 10 февралда тасдиқланган 1/5-80-17-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилинганлиги судьяларнинг фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш тартиби, мезонлари ва муддатларини белгилаш ва ушбу муносабатларни самарали ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 33 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 50 та илмий мақола (4 таси хорижий нашрларда), 4 та рисола, 1 та ўқув қўлланма, 4 та ўқув-услубий қўлланма чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, 10 та параграфни қамраб олган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 157 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан алоқадорлиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилди.

Диссертациянинг **«Судьялар корпусини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари»** деб номланган биринчи бобида судьялар корпусини шакллантириш тушунчаси ва аҳамияти, судьяликка номзодларни танлаш ва уларга қўйиладиган талабларнинг ҳуқуқий табиати, судьяларни сайлаш, тайинлаш тартиби ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда судьянинг ваколатини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш тартиби ва асослари билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилди.

Корпус – лотинча *corpus* (тана) сўзидан олинган бўлиб, у ўз табиатига кўра бирор махсус иш билан машғул бўлган мутахассислар ҳайъати деган маънони беради. Диссертацияда нафақат судьялар корпуси тушунчаси таҳлил этилган, балки унга алоқадор бир қатор илмий тушунча ва категорияларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган ҳамда уларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари ва ўхшашликлари таҳлил этилган.

Илмий ишда судьялар корпуси тушунчаси ва бу хусусда айрим ҳуқуқшунос олимларнинг (Ғ.Абдумажидов, М.Рустамбоев, Ф.Муҳиддинова, У.Тухташева, А.Рыжаков, Л.Савюк, А.Фоков, М.Клеандров) турлича назарий ёндашувларини таҳлил этиб, судьялар корпусига фақатгина амалда фаолият олиб бораётган, профессионал жиҳатдан одил судлов ёхуд қонун ҳужжатларини Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўришга ҳақли бўлган судьялар кириши, нафақадаги судьялар судьялар корпуси таркибига эмас, балки судьяларнинг ўзига хос ҳамжамияти органларига аъзо бўлишга ҳақли деган хулоса баён этилган. Шунингдек, илк маротаба судьялар корпуси тушунчасига илмий таъриф ишлаб чиқилиб, судьялар корпусининг ўзига хос хусусиятлари, белгилари ва таркибий элементлари ва унга алоқадор бошқа категориялар билан ўзаро нисбати таҳлил этилган.

Мазкур ишда юқори малакали кадрларни судьяликка танламасдан туриб, судьяликка номзодлар захирасини ҳам, судьялар корпусини ҳам самарали шакллантириб бўлмаслиги ва бу борада (Ш.Чакрабартти, Д.Ҳаллетт, Л.Маккай, Д.Стафф, М.Бейбитов, Ф.Квициния) фикр-мулоҳазалар ўрганилиб, уларга нисбатан илмий мунозарага киришилган ҳамда келажакда судьялар корпусини шакллантиришда судьяликка

номзодларни танлашда уларнинг эришган ютуқларини баҳолайдиган мезонларни ишлаб чиқиш зарур деган хулоса ўз тасдиғини топган.

Ушбу илмий ишда судьялар корпусини шакллантиришнинг тўрт босқичи тавсифланган, судьяликка номзодларни танлаш босқичи эса а) захирани шакллантириш учун танлаш; б) захирадан судьяликка сайлаш ёки тайинлаш деб икки гуруҳга ажратилди ва судьяликка номзодларни танлаш тушунчасига таъриф ишлаб чиқилди, судьяликка номзодларнинг амалий захирасини шакллантиришнинг кафолатли механизмини яратиш лозим деган нуқтаи назар асослантилган. Шунингдек, судьялар корпусини икки хил тартибда: биринчиси, судьяликка номзодлар захираси ҳисобидан, иккинчиси эса захирага киритилмаган, бироқ судьяликка энг муносиб шахслардан шакллантириш зарур деган таклиф илгари сурилган. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларига асосланиб истиқболда суд қонунчилигида судьяликка номзодлар захирасини шакллантиришда судьяликка номзодларни ўрганиш, танлаш шартлари, Кенгашда имтиҳондан ўтиш тартиб-таомиллари, муддатлари ва уларни баҳолаш мезонлари, захирага киритилган судьяликка номзодлардан муқобиллик асосида оқилона фойдаланиш ҳамда судьялик захирасини шакллантириш механизмлари аниқ белгиланиши зарур деган хулоса исботлаб берилди.

Шунингдек, илмий ишда замонавий демократик ҳуқуқий давлат шароитида судьялар корпусини шакллантиришнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш мақсадида судьяликка номзодлар захирасини шакллантириш тартиби ва асосларининг тугал ташкилий-ҳуқуқий механизмларини қонун билан кафолатлаш зарур деган хулосага келинган. Ушбу ишда судьялар корпусини шакллантиришнинг устувор манбаси сифатида, энг аввало, махсус қонунлар қабул қилиш ҳамда уларни тизимлаштириш мақсадида хорижий давлатларнинг (АҚШ, Польша, Беларусь, Арманистон) тажрибаларини инобатга олиб, алоҳида Ўзбекистон Республикасининг Суд кодексини қабул қилиш зарурияти ҳар томонлама асослантириб берилди.

Судьяларни сайлаш ва тайинлаш механизми судьялар мустақиллигини таъминлашнинг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли илмий ишда «судьяларни сайлаш» ва «судьяларни тайинлаш» тушунчаси таҳлил этилиб, унинг мазмун-моҳияти очиқ берилган ҳамда уларнинг бир-бирига ўхшаш ва ўзига хос фарқли хусусиятлари тадқиқ этилган. Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда илк маротаба юқорида қайд этилган тушунчаларга назарий таъриф ишлаб чиқилган. Диссертацияда судьяларни сайлаш жараёни чинакам саралаш асосида бўлиши учун уни муқобиллик асосида амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертацияда судьянинг ваколат муддати тушунчаси ва уни ҳисоблаш тартиби, судья ваколатини узайтириш ва тўхтатиш асослари тадқиқ этилган.

Шунингдек, айрим хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда мамлакатимиз суд қонунчилигига судьялар ваколатини тугатиш институтини

киритиш, энг муҳими нафақат судьяларни Сенат томонидан сайлаш ваколоти, балки уларни лавозимдан озод этишдаги мутлақ ҳуқуқ ҳам Конституция даражасида мустақамланиши зарур деган хулосага келинган.

Диссертациянинг «**Судьялар корпусини шакллантиришда иштирок этувчи субъектлар ваколатларини амалга ошириш**» деб номланган иккинчи бобида судьялар корпусини шакллантиришда иштирок этувчи субъектларнинг тизими ва роли, судьялар корпусини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ваколатлари, судьялар корпусини шакллантиришда судьяларнинг малака ҳайъатлари иштирокига доир масалалар назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган.

Бундан ташқари, илмий ишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Судьяларнинг малака ҳайъатлари, Ўзбекистон Судьялари ассоциациясининг судьялар корпусини шакллантиришдаги ваколатларининг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган. Тадқиқот натижасида, Одил судлов академияси фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий тузилиши ҳамда вазифа ва ваколатлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Судьялар олий кенгаши таркибини шакллантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида унинг аъзоларига кўйиладиган талаблар, танлаш шартлари ва тартиби, Кенгашнинг судьяликка номзодларнинг шахсиятлари ва ҳужжатларини ўрганиш механизмлари тадқиқ этилган. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган, судьялар корпусини шакллантиришни амалга оширадиган махсус ваколатли орган ҳисобланади. Кенгаш судьяликка номзодларни танлов асосида танлаш тартиб-таомиллари, амалдаги судьяларни касбий ўсишини таъминлайдиган мезонларни ишлаб чиқиш зарурияти асослантилган.

Диссертацияда судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлил этилиб, унинг тушунчаси, моҳияти, мақоми ва тизими илмий ва амалий жиҳатдан ёритиб берилган. Шу билан бирга, судьялар малака ҳайъатлари аъзолигига номзодларга кўйиладиган талаблар, уларни танлаш, таркибини шакллантириш, сайлаш, ваколатини тўхтатиш ва муддатидан илгари озод этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Диссертантнинг фикрича, биринчи марта судьялик лавозимларига тайинладиган номзодлар захирага киритилганлиги тўғрисидаги ахборотлар бевосита Кенгаш томонидан унинг веб-сайти ёки тегишли матбуотда расман эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Зотан, судьялик лавозимларига тайинладиган номзодлар захирасида турган шахснинг ўқиши ва стажировкаси, шунингдек уни ҳар томонлама ўрганиш яқунлари бўйича захирадан чиқариш фақатгина Судьяларнинг малака

хайъатларида ҳар томонлама муҳокама этилганидан сўнг амалга ошириш лозим деган хулосага келган.

Илмий ишда тадқиқот натижаларига асосланиб айни пайтда судьяликка номзодларни танлаш, улар захирасини шакллантириш, қайта тайёрлаш ва судьялар малакасини ошириш, судьяларни навбатдаги ваколат муддатига ва муддатсиз даврга сайлаш ва тайинлаш жараёнида Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси иштирокини янада кенгайтириш лозимлиги ҳақидаги хулосалар асослантирилган.

Судьяликка номзодларни танлаш ва имтиҳондан ўтказиш, сайлаш ва тайинлашга алоқадор мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунда аниқ белгиланиши, биринчидан, судьяликка номзодларга нисбатан холислик тамойили асосида ёндашиш имконини берса, бошқа томондан эса улар ўз фаолиятида турли таъсирлардан ҳимояланиши имконини яратади деган хулосага келинган.

Судьяликка номзодлар ва судьялар тегишли малака ҳайъатининг қароридан рози бўлмаган тақдирда эса ўз эътирозларини ёзма равишда Кенгашга юборишга аниқ муддат белгилаш, Кенгаш қароридан норози бўлса, қайта мурожаат этиш мумкин ёки мумкин эмаслиги, унинг тартиби ва асослари қонунда аниқ кўрсатилмаган. Шу боис судьяликка номзодлар ва судьялар Кенгаш қароридан норози бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат этиш ҳуқуқи ва унинг механизмлари қонун билан кафолатланиши зарур деган ғоя илгари сурилган. Диссертант бунга ўхшаш тажриба Германия, Молдова қонунчилигида ҳам кузатилганлигига аҳамият бериб ўз фикрларини асосли тарзда баён этган.

Диссертациянинг **«Судьялар корпусини шакллантиришда улар мустақиллигининг шартлари ва элементлари мазмуни»** деб номланган учинчи бобида судьялар корпусини шакллантиришда улар мустақиллигининг шартлари ва элементлари, судьялар дахлсизлиги ва ахлоқий принциплар бузилишининг олдини олиш кафолатлари ҳамда судьяларни моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари тадқиқ этилган.

Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминламасдан туриб, одил судлов фаолиятида қонун устуворлигига эришиб бўлмайди. Шу боис судьялар мустақиллигининг хусусиятлари ва унинг таркибий элементи, мақомининг асосий принципларини ҳамда «суд», «судья», «судьялар мақоми», «судьялар мустақиллиги», «судьялар эркинлиги» каби тушунчаларнинг юридик табиати очиқ берилган ва айрим ҳуқуқшунос олим ва амалиётчи мутахассислар (Ғ.Абдумажидов, Б.Мирбобоев, С.Собиров) билан баҳс мунозарага киришиб «судья», «судьялар мустақиллиги» тушунчаларига назарий таъриф ишлаб чиқилган. Илмий ишда Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунидаги судьялар мақомига оид нормалар суд-ҳуқуқ тизимидаги жараёнлардан ортида қолганлиги, унда ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги таҳлил этилган. Муаллиф судьялар мақоми ҳақидаги бир қатор ҳуқуқшунос олимларнинг (А.Фоков, В.Ершов, М.Клеандров, М.Ражабова, Ф.Иноғомжонова, А.Хамраев) қарашларини ўрганиб, бу борадаги

қонунчилик нормаларини такомиллаштиришнинг зарурияти асослантириб берилган.

Судьялар дахлсизлигини таъминлаш уларнинг мустақиллигини таъминлашнинг муҳим кафолатларидан ҳисобланади. Шу боис илмий ишда судьялар дахлсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар таҳлил этилиб, «судьялар дахлсизлиги» тушунчасига назарий таъриф ишлаб чиқилган. Судьялар дахлсизлиги нафақат уларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортишда, балки уларни асоссиз интизомий ва фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка тортилишидан ҳам ҳимоя қилишда намоён бўлади. Илмий ишда судьяларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида иш қўзғатиш ваколатига эга бўлган субъектлар, бундай ишни Кенгаш ва тегишли малака ҳайъатларига тақдим этиш тартиб-таомиллари, уни кўриб чиқиш муддатларини қонунда аниқ мустаҳкамлашга оид тақлифлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, судьяларга нисбатан тезкор-қидирув тадбирлари фақатгина Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг расмий сўрови бўйича Олий суд ёки Судьялар олий кенгашнинг розилиги олингандан сўнг ўтказилиши мақсадга мувофиқ деган хулосага келинган. Бу эса хорижий мамлакатлар илғор тажрибасига ҳам мос келади. Бундан ташқари, муаллиф Ўзбекистон Республикасидаги барча суд тизими судьяларига нисбатан жиноят ишларини кўриш, бу судья қайси суд тизимига тааллуқли бўлишидан қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлови ваколатига киритилиши лозим деб ҳисоблайди. Шунга ўхшаш амалиёт аксарият хорижий ва МДҲга аъзо мамлакатлар тажрибасида кузатилади.

Судьялар дахлсизлигини таъминлашда уларнинг интизомий жавобгарлиги масаласи ҳам муҳим ўрин тутди. Шу боис илмий ишда судьяларнинг интизомий жавобгарлиги билан боғлиқ масалалар ҳам таҳлил этилган.

Тадқиқотчининг эътирофи этишича, миллий қонунчилигимизда судьяларга нисбатан қуйидаги икки турдаги: ҳайфсан ёки ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима қўллаш жазоси назарда тутилган бўлсада, бироқ мазкур интизомий жазо чоралари қандай ҳолатларда ва қайси асос, мезонларга кўра танланиб қўлланиши аниқ кўрсатилмаган. Судьяларга нисбатан қўлланиладиган интизомий жавобгарликнинг янада самарали ва таъсирчан бўлиши учун уни қўллаш соҳаси, доираси, турлари, шакллари ва усулларини кенгайтириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳам ўрганиб бир қатор тақлифлар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, келажакда судьяларнинг интизомий жавобгарлиги масаласи юзасидан махсус илмий тадқиқот ишларини олиб бориш зарур деган хулосага келинган.

Судьялар мустақиллигини таъминлашда судьяларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни рағбатлантириш муҳим ўрин тутди. Илмий ишда судьяларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни рағбатлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам таҳлил этилган. Бундан ташқари, «судьяларнинг моддий

таъминоти», «судьяларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари» тавсифланиб, унинг тушунчаси ҳақида назарий таърифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишида судьяларнинг малака даражаси учун тўланадиган тўловлар миқдорини ошириш, судья суд тизимидан бошқа давлат хизматига ўтганида унинг малака даражаси, судья сифатида узок муддат хизмат қилганлиги учун тўланадиган устама ҳақлар сақланиши, илмий даража ва унвонга эга бўлган судьяларнинг ойлик маошларига илмий даража учун устама ҳақ белгилаш, судьяларнинг фахрий истеъфога чиқиши билан боғлиқ нормаларни қонунчиликда белгилашга оид таклифлар асослантириб берилган. Шунингдек, судьяларга иш стажи ҳисобга олинган ҳолда йиллик меҳнат таътилининг кўпайиб бориш амалиётини йўлга қўйиш лозимлиги, шунга ўхшаш тажриба Германия, Россия, Беларусь, Қозоғистон қонунчилиги амалиётида мавжудлиги билан қиёслаб ўз нуқтаи назарларини ифода этган. Бундан ташқари, муаллиф томонидан янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимига сайланиш ёки тайинланиш учун ариза билан мурожаат этмаган судьяларни қанча муддатда ишга жойлаштириш ёхуд қанча вақтда судьяларни навбатдаги ваколат муддатига сайлаш ёки тайинлаш тартиби ва асосларини қонунчиликда қатъий қафолатлашга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантиришни такомиллаштириш ва уларнинг мустақиллигини таъминлаш мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Илк маротаба «барқарор судьялар корпуси», «судьялар корпусини шакллантиришда иштирок этувчи субъектлар», «малакали судьялар корпуси», «судьялар корпусини шакллантиришда улар мустақиллиги» каби янги илмий тушунча ва категориялар илмий муомалага киритилди.

2. Илмий ишда «судьялар корпуси» тушунчасига муаллифлик илмий таърифи ишлаб чиқилди ва судьялар корпусининг ўзига хос хусусиятлари, белгиси ва таркибий элементлари илмий асослантирилиб берилди. Хусусан, судьялар корпуси деганда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва қуйи турувчи судларда судьялик лавозимини эгаллаган, махсус мақомга эга бўлган, Конституция ва қонунга асосан одил судловни амалга ошириш ваколати берилган ҳамда белгиланган тартибда судьялик ваколатини амалга оширишга қодир бўлган давлат хизматчиларига мансуб мансабдор шахслар мажмуи тушунилади.

3. Судьялар корпусининг ўзига хос хусусиятлари, белгиси ва таркибий элементлари сифатида одил судловни амалга ошириш ёки қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституциявий нормаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, судьялар мақоми бошқа

давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларнинг ваколатларидан фаркланиши, судьялар корпусини шакллантиришнинг махсус тартиб ва асослари қонун ҳужжатларида мустақамланганлигига оид нуқтаи назарлар назарий жиҳатдан асослантирилди.

4. Судьяликка номзодларга ва судьяларга қўйиладиган талабларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш, яъни, биринчиси – судьяликка номзодларга қўйиладиган талаблар; иккинчиси – судьялик касбий фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ талаблар; учинчиси – судьяларни касбий одоб-ахлоқига нисбатан қўйиладиган талаблар илмий тавсифлаб берилди. Судьялар корпусини шакллантиришда энг муҳим талаб сифатида судьяликка номзодга қўйиладиган талабга илмий доктринал таъриф берилди. Судьяликка номзодга қўйиладиган талаб деганда судьялик лавозимига танланган, биринчи марта судьялик лавозимига тайинланадиган (сайланадиган) ёки навбатдаги ваколат муддатига ёхуд муддатсиз даврга судьялик лавозимига кўрсатиладиган шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган малака талаблари, маънавий-ахлоқий ва тиббий мезонлар тушунилади.

5. Судьялар корпусини шакллантиришда улар мустақиллигининг кафолатлари сифатида судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш, уларнинг дахлсизлиги, судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш масалалари ҳар томонлама тадқиқ этилиб, илк маротаба судьялар корпусини шакллантиришда улар мустақиллигининг кафолатига оид илмий таъриф ишлаб чиқилди. Судьялар корпусини шакллантиришда уларнинг мустақиллигини таъминлашнинг кафолатлари деганда судьяликка номзодларни танлаш, тайёрлаш, сайлаш, тайинлаш, уларнинг дахлсизлиги, давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш ҳамда лавозимидан озод этиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган кафолатлар тизими тушунилади.

6. Судьяларни танлашнинг мезонлари тавсифлаб берилди. Судьяларни танлашнинг мезонлари ўз ичига бенуқсон обрў-эътибор, ҳалоллик, лаёқатлилик, етарли ҳаётий тажрибага эгаллик, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлардан холи бўлган, холислиги, адолатлилиги, одил судловни амалга ошириш ва қонун ҳужжатлари нормаларини қўллаш борасида малака ва тажрибага эга эканлигини ҳамда жамоатчиликнинг унинг касбий фаолиятига берган баҳоси кабиларни қамраб олади.

7. Ўзбекистонда судьялар корпусини шакллантириш ва уларнинг мустақиллигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида нафақат судьялар, балки суд раиси ва раис ўринбосарлари лавозимларга номзодларга қўйиладиган талаблар, уларни танлаш, сайлаш ва тайинлаш тартиби ва шартлари билан боғлиқ тартиб-таомилларни қонунда қатъий мустақамлаш зарурлиги асослантирилди. Қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдириш мақсадида Ўзбекистон

Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 61-моддасини “Шахс судьяликка номзод этиб кўрсатиладиган кунига қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаган бўлиши шарт” деган мазмундаги 4-қисм билан тўлдириш таклифи асослантирилди.

